

ШТР

40612694 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

18.01.2022 йил

Бухоро ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания ) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/16 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Бухоро филиали директори Турдиев Халил Жаҳонкулович (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва УПР.ҲОС.ТАМОЖЕН.КОМИТЕТА номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи УПР.ҲОС.ТАМОЖЕН.КОМИТЕТА (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олини Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептиши) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорда олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 3000000 (Ҳар милярд) сўмини ташкил этади. Ушбу сумма 3000000 (Ҳар милярд) сўм миқдоридagi Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) миқдоридagi бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси охири кетган такдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исаламаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнасининг 1-қунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қодалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календар учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилади деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календар ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календар ойида** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашинини тартибга солувчи қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7.Яқиний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 \_\_\_ йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 \_\_\_ йилга қадар амал қилади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p style="text-align: center;"><b>ОПЕРАТОР:</b> “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали</p> <p>Манзил: Бухоро ш., И.Муминов к., 2а Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838412 СТИР:203366731 МФО:00401 АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 E-mail:</p> <p>Оператор номидан:  /имзо/</p> <p style="text-align: center;"><b>BUXORO FILIALI</b></p>	<p style="text-align: center;"><b>АБОНЕНТ:</b> УПР.ГОС.ТАМОЖЕН.КОМИТЕТА</p> <p>Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд (Ленин номли) кўчаси, уй. 352 Банк маълумотлари: х/р: 23404000800568415327 СТИР:201266723 МФО: <u>00401 АТБ Алокабанк</u> Тел: 952253880 E-mail: <u>123@info.uz</u></p> <p>Абонент номидан:  /имзо/</p>

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
	I. Бир марталик тўловлар				
	II. Ҳар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Абонентская плата за Corporate-3	300,000.00	Прейскурант	1	300,000.00
2.2	Абонентская плата за Corporate-5	700,000.00	Прейскурант	1	700,000.00
	Жами (олдиндан тўлов)				1,000,000.00

Жами олдиндан тўлов миқдори 1,000,000.00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорда.

Шартноманинг умумий миқдори 1,000,000.00 сўмни ташкил этади. Ундан 1,000,000.00 сўм миқдорда ойлик абонент тўлови ҳамда 0.00 сўм бир мартабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортикча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:  
“Ўзбектелеком” АК  
Бухоро филиали

АБОНЕНТ:  
УПР.ГОС.ТАМОЖЕН.КОМИТЕТА

Оператор номидан:

Абонент номидан:

